



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2007-yil, 24-avgust • № 34 (3914)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

### Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида 2007 йилги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781 сонли Фармонида кўзда тутилган 3 та иккинчи даражали мукофот ўрнига 2007 йил учун, истисно тариқасида, 6 та иккинчи даражали мукофот берилиши белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги давлат мукофотлари кенгашининг 2007 йилги Давлат мукофотлари бўйича тақлифига биноан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътиборга эришган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб иқидий ишлари учун

**Фан ва техника соҳасида:**  
— Эдвард Васильевич Ртвеладзега — "Марказий Осиё тарихи ва маданияти тарихи" мавзусидаги ишлари туркуми учун;

**Адабиёт соҳасида:**  
— Озод Шарафиддиновга (марҳум) — "Ижодий англаш баҳти" ва "Доғондаги ўйлар" асарлари учун;

**Санъат ва меъморчилик соҳасида:**  
— Анвар Йўлдошев Эргашевга — "Хумо" балети учун.

**Иккинчи даражали давлат мукофотлари қўйидагиларга берилсин:**

**Илҳом Гафурович Отабоев, Амин Сафарбоевич Саидов, Мухтор Сафарбоевич Саидовга** — "Янги яри-мўтақазгич қаттиқ қоришмалар ва улар-да қиришмалар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар" мавзусидаги иши учун;

**Адабиёт соҳасида:**  
— Муҳаммадали Аҳмедов (Муҳаммад Али)га — "Улуғ салтанат" роман-дилогияси учун;

**Санъат ва меъморчилик соҳасида:**  
— Эдуард Рубенович Давидовга — "Ўзбекистон дурдоналари", "Хоразмнинг олтин халқаси" телевизион фильмлар туркуми учун;

— Камара Шодмонова Камолова, Шомирза Ганиевич Турдимов, Муҳаммад Нусратуллаевич Абдухайроғовга — "Йўл бўлсин" бадиий фильми учун;

— Холлида Ҳафизовна Комиловага — миллий кийимлар дизайни бўйича ишлари учун.

**Биринчи даражали давлат мукофотлари қўйидагиларга берилсин:**

**Фан ва техника соҳасида:**  
— Собир Юнусович Юнусов (марҳум), Фарҳод Набиевич Жаҳонги

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
Тошкент шаҳри,  
2007 йил 23 август

**И.КАРИМОВ**



М.АМИН (ЎЗА) олган сурат.

"Нихол" мукофоти совриндорлари сафи янада кенгайди. Кунги кеча муҳташам "Халқлар дўстлиги" саройида Президентимиз томонидан Ёш истеъодлар учун таъсис этилган "Нихол" мукофотининг тантанали суратда топшириш маросими бўлиб ўтди.

Икки йилдан бун "Нихол" мукофотига истеъодларни саралаш учун босқинчи тизимда ўтказилмоқда. Бундан асосий мақсад республикамизнинг энг чека жойларида иқид қилаётган истеъодли ёшларни кашф этиш ва уларга қўмақлаштириш. Саралаш тадбирлари давомида "Нихол" мукофоти республика Кенгаши аъзолари вилоятларда бўлиб, истеъодли ёшлар билан учрашди, зарур тавсиялар берди, "Устоз сабоқлари" дарсларини ўтди.

Апрел-май ойида ўтган биринчи босқинда республикамиз бўйича етти мишдан зиёд ёшлар иштирок этди.

Иккинчи босқин ион ойида концерт дастури шаклида ўтказилиб, ҳар бир йўналиш бўйича сараланган номзодлар республика босқинига тавсия этилди. Ион ойида ўтказилган ҳал қилувчи учинчи босқинда юздан ортиқ истеъодли ёшлар қатнашди. Уларнинг иқидий фаолиятларини ҳар томонлама ўрганиб чиқиш учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Н.Курбонова (эстрада йўналиши) ва профессор Б.Курбонов (музыка, мумтоз кўшиқ, опера ижрочилиги ва рақс санъати) раҳбарлигида иқидий ишлари ҳайъат иш

## "НИХОЛ" ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАЙДИ

олиб борди. Улар томонидан саралаб олинган 30 номзоднинг фаолияти ўрганилиб, шулардан олти кишига Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, иқидасига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг эъдалик совғалари топширилди.

Ўн тўртта "Нихол" совриндорларига эса мукофотлар муҳлис ҳузурида тантанали равишда топширилди. Ёш истеъодлар мукофотларини юртимизнинг таникли санъаткорлари — устозлар қўлидан олар эканлар, ҳаяжон ва ҳурсандчиликларининг чеки йўқ эди. Истеъодли ёшларга кўрсатилаётган бу гамхўрлик, шубҳасиз, келажакда санъатимизнинг гуллаб-яшнашига, ҳақон санъатида ўзининг нуносиб ўрнини эгаллашига янада кенг йўл очди.

**виноз Аннақуллова** (Қорақалпоғистон), **Шароф Муқимов** (Бухоро), **Мавжуда Алимова** (Наманган), **Дилшод Имомалиев** (Сурхондарё), **Улуғбек Раҳматуллаев** (Тошкент вилояти), **Отабек Муталжжаев** (Тошкент), **Лазизбек Қиличев** (Қашқадарё);

**мумтоз кўшиқ йўналишида:** **Гулмира Чаварова** (Андижон), **Ғиёс Облоқуллов** (Самарқанд), **Фарҳод Камбаров** (Фарғона), **Сарвиноз Қурязова** (Хоразм);

**музыка ижрочилиги йўналишида:** Ёшлар симфоник оркестри (Тошкент шаҳри);

**опера ижрочилиги йўналишида:** **Женисбек Пиёзов** (Қорақалпоғистон); **рақс санъати йўналишида:** **Муҳаббат Курбонова** (Тошкент шаҳри) "Нихол" мукофотида сазовор бўлдилар.

**Истеъодли ёшларни юксак мукофот билан табриқлаб, уларга янги иқидий парвозлар тилаймиз.**

## ИСТЕЪОДЛАР ХАЛҚ ИЧИДА ЯШАЙДИ

Таникли санъаткорлар билан суҳбатлашсангиз, уларнинг кўпи илк бора ёш истеъодларнинг кўрик-танловларида қатнашиб, устозларнинг фотиҳасини олиб, насиҳатларига амал қилиб, ўқиб-ўрганиб, камчиликларини тузатиб, шундан кейингина катта сахналарга чиқишганини айтишади. Мустақиллик йилларида бир неча йил муттақил ўтказиб келинган "Ўзбекистон — Ватаним меним" кўшиқлар танлови, Марғилон шаҳрида ўтказилаётган Жўрақон Султонов ва Маммурдон Узоқовлар номидаги ёш ижрочиларнинг республика кўрик-танлови ва бошқа шу каби беллашувлар ҳар гал адабиёт ва санъат иқидомларида кўпдан-кўп янги истеъод эгалларини тўхта этади.

нинг беллашувларида янги-янги истеъод эгалари кашф этилди. Жумладан, Пулат Утениёзов, Манзура Бекжонова, Темура Давлатов, Зумрад Маширпоева, Дилдора Худойбердиева, Гулжаҳон Тожиқидинова, Руслан Арзиев, Гулноза Умирова, Баҳодир Шомуродовларнинг иқидий машқлари ҳақамлар ҳайъати томонидан иқидий баҳоланди. Гавҳар Матқубова, Гулзийим Ойимбетова, Сайёра Жабборова Олий адабиёт курсига ўқишга тавсия этилди. Устозлар Абдулла Орипов ва Тўлапбергенов Қайпбергенов уларга оқ фотиҳа берди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муассар Раззоқова, таникли бастакорлар Рустам Абдуллаев, Нажиматдин Муҳаммадинов, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси профессори Отаназар Матқубов раҳбарлигида ўтказилган танловда ёш хонандалардан Низомиддин Абдуллаев ва Бахтиёр Эшнелиёв, эстрада йўналишида Озод Эшимбеков, халқлар ва бахшилар беллашувида Рисолат Абдуқаримова ва Замира Ибрагимова, ёш муассир Азизбек Сайитжонов, ёш ҳайқалтарош Қувондиқ Тоҳировлар голиб бўлдилар. Уларга муассисларнинг қимматбахшо эъдалик совғалари топширилди.

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси Жўғорки РақсҒоси Раисининг ўринбосари Р.Ражабов иштирок этди.

Ёш иқидкорларнинг Зомин ва Эллиқалъадаги анъанавий учрашувларида ҳам ҳар гал биз ўзига хос овозга эга бўлган истеъодли ижрочиларни, шoir ва ёзувчиларни, бахши ва халқфаларни кашф этамиш. Бугун номи ва иқидий муқддасларга анча таниш бўлиб қолган Омонгул Турдимуротова, Ривож Утарбоев, Дилноза Матқаримова, Арофат Усмонова, Нодира Янгибоева, Зебо Нурмонова, Манзура Эгамбердиева ва яна бир қанча ёшларни мовий Ақчакўл бўйидаги қайноқ учрашувлар, шеърхонлик давраларида кашф этдик, десам, мулобаға бўлмайди. Шулардан бири Ривож Утарбоев ўзининг миллий рух уфуриб турган халқона сатрлари

ла Орипов, Ўзбекистон халқ шoirлари Халима Худойбердиева, Сирожиддин Сайид, Маҳмуд Тоир, шoir ва адиблар Эркин Аъзам, Уткир Раҳмат, Матназар Абдулҳаким, Бахтиёр Генжамурод, Аҳмадхон Мелибоев, Уламбет Ҳужаназаров, Ошиқ Эркин, Минайлон Жуманазарова, Абилқосим Утепбергенов, Туроб Мақсуд, Турсун Али, Рустам Мусурмов ва бошқалар бу учрашувларда истиклол йилларида мамлакатимизда, хусусан Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, мамлакатимиз раҳбариятининг ёш иқидкорларга нисбатан кўрсатаётган гамхўрлиги тўғрисида сўзлаб берди.

"Истиклолимиз ун олти ёшга

қиблар "Э, хайрият-е", деб туришганида, Асрорбой дала-боғга вазмин қадамлар билан кириб келиб: "Қани, бошлаймизми, шахмат билан боксда аяб ўтирилмайди", деса бўладимиз.

Турнирнинг дастлабки марказий ўйини Иброҳим Гафуров — Асрор Мўмин ўртасида кечди. Ишқибозлар, иштирокчилар ва хатто шу яқин-атрофда истикомат қилаётган аҳоли вақилларининг ҳам нигоҳи шу ўйинга қаратилди. Чунки, унинг натижаси кўп нарсасига боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолганди.

Ўйин, қутилганидек, жиддий бошланди. Дастлабки назарий-анъанавий юришлардан кейин ҳар икки томоннинг пиёдалари, кейинроқ енгил сиплохлар "Андижон полкеси"га рақс тўшаётган йигитлардай тахта узра енгил ҳаракат қила бошлашди. Ҳар икки томон муҳим чорҳаларни, бурилиш ва айрилишларни эгаллашга ҳаракат қилишди. Оқлар кенг фронт

## ГОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллиги байрамига бағишлаб Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, Журналистлар ва Тасвирий ойна" иқидий уюшмалари, Миллий телерадиокорпорацияси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида ўтказилган "Энг улуг ва энг азиз" кўрик-танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси Абдулла Орипов, Ўзбе-

кистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Бобур Ажимов, журналистлар иқидий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов сўзга чиқиб, мамлакатимизда мустақиллик йилларида иқидкорларни, жумладан оммавий ахборот воситалари ходимларини рағбатлантириш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Ўн йилдан бери муттақил равишда ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов иқидкорларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Биргина ушбу йилда кўрик-танлов ҳайъатига 800 дан ортиқ муаллифнинг 5000 га яқин иқидий ишлари ҳавола этилганлиги фикримизнинг далилидир. Уларнинг орасидан энг нуносиблари танлаб олинди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон халқ шoirи Маҳмуд Тоир, публицист Юсуф Бердиев, "Ўзбекистон овози" газетаси бош муҳаррирининг ўринбосари Абдурашод Жумақуллов, "Маърифат" газетаси ходими Ойбуви Ойнолова, журналист Нурдин Очилов, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорациясининг иқидий жомаси, Самарқанд СТВ режиссёри Мамарасул Мадамминов, "Ёшлар" телерадиоканали муҳаррири Ақтам Бердиев, дизайнер Шерзод Хошимўжаев, фотосуратчи Владимир Шляхтин, расом Эркин Жўраев кўрик-танлов голиби бўлдилар. Бир гуруҳ иқидкорлар эса иқидий беллашувининг рағбатлантирувчи мукофотларига нуносиб қўрилдилар.

Танловда муваффақият қозонган барча ҳамкасбларимизни самимий муборакбод этамиш.



## ШАХМАТДА ЮРМАЙ ҲАМ ЮТИШ МУМКИН...

Неча асрлардан бери муҳлис мутахассисларни бирдай қизиқтириб келаятган шохмат ўйини ҳақида ё шoir, ё юморга мойил муҳаррирларимиздан бири "Шохмат ўйин билсанг кўп қизик, гоҳ ютқудай ширин ютқиқик", деб ёзган экан. Ҳар йили, мустақиллик байрамимиз арафасида иқидкорларнинг Бўстонликдаги дала-боғида ўтказилаётган анъанавий шахмат турнирининг ўтган яқинба кунгисида ҳам шу икки сатрга мос холатлар кўп бўлди. Улуғ адимимиз Абдулла Қаҳқор таваллудининг 100 йиллигига бағишланган бу галги беллашува ўттизга яқин иқидкор енг химариб, ашадий рақиблардай, бир-бирларига қарши астойдил дона сурдилар.

Ҳар қандай турнирда ҳам, у хоҳ футбол биринчилиги ё боксёрлар жангими, албатта, қутилмаган натижалар бўлади. Оддий ишқибоз учун тасодифдай кўринган бу натижа, аслида, жуда катта меҳнат, изланиш натижаси эканлиги мутахассисларга кундай равшан.

Турнирнинг расмий очилишига бир неча соат қолганида аввалги турнирларда даярли барча рақибларини доғда қолдириб, икки марта чемпион бўлган, чўғи баланд

Дуққат: яшиллик!

қиблар "Э, хайрият-е", деб туришганида, Асрорбой дала-боғга вазмин қадамлар билан кириб келиб: "Қани, бошлаймизми, шахмат билан боксда аяб ўтирилмайди", деса бўладимиз.

Турнирнинг дастлабки марказий ўйини Иброҳим Гафуров — Асрор Мўмин ўртасида кечди. Ишқибозлар, иштирокчилар ва хатто шу яқин-атрофда истикомат қилаётган аҳоли вақилларининг ҳам нигоҳи шу ўйинга қаратилди. Чунки, унинг натижаси кўп нарсасига боғлиқ эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолганди.

Ўйин, қутилганидек, жиддий бошланди. Дастлабки назарий-анъанавий юришлардан кейин ҳар икки томоннинг пиёдалари, кейинроқ енгил сиплохлар "Андижон полкеси"га рақс тўшаётган йигитлардай тахта узра енгил ҳаракат қила бошлашди. Ҳар икки томон муҳим чорҳаларни, бурилиш ва айрилишларни эгаллашга ҳаракат қилишди. Оқлар кенг фронт

билан диққатимизни тортганди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси уни Олий адабиёт курсига тақлиф этди ва Ривож бу курсни яқинда муваффақиятли таомлади.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари муассислигига тақлиф этилган ва ун давом этган иқидий анжуман давомида Эллиқалъа туманида янгидан қад ростлаган мактабларда, болалар тарбия муассасасида, бир қатор ҳўжалиқларда меҳнатқашлар билан самимий мулоқотлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи Абду-

лўлди, бу жуда навқирон ёшдир. — деди Абдулла Орипов мустақиллик тенгдоши бўлган эллиқалъалик бир гуруҳ йигит-қизларга тантанали равишда паспорт топширар экан. — Сизлар бугун балогат ёшига етдингиз, биз сизлардан умидворимиз, Ватанимизнинг келажак, миллиятимизнинг равнақи сизларнинг яратувчанлик фаолиятингизга боғлиқ".

Қутилганидек, бу гал ҳам ёш шoir ва носирларнинг, халфа ва бахшилар-

бўйлаб тағдор ҳужум тактикаси тадоригини кўраётган бир пайтда, қоралар ҳар икки қанотда мустаҳкам ҳимоя кўргонлари қурилиши билан банд бўлишди. Раҳматли Мамажон ака Мўхитдинов "Шахматнинг ўзига хослиги шундаки, рақиблар нечоғли қиройли ўйнашмасин, барибир, бир томон иккинчи томондан устун келадди", деган эди. Устоз айтганидай бўлиб, Иброҳим ака қиройли галабага эришди.

Бундан илҳомланган бошқа иштирокчилар шиддат билан жангга киришишди. Ўтган йили кимнингдир чалғитиши туфайли Тур-

сун Алига имкониятни бой бериб қўйган Шодмон Отабек бу гал азалий рақибини ҳам, ўтган йилги совриндор Хуршид Дўстмухаммад ҳам енгди. Шодмонбекнинг биринчи галабасини қўплар Бўстонлик томонларда бу йил миёга қувват бўлувчи баликларнинг қўпайгани билан изоҳлашди, иккинчи ҳақида эса баъзи мулоҳазалар тўғлиди: "Отабевнинг шундоққина сув ёқисида қорбоғида балким... Хуршид Дўстмухаммад дам олмоқчи бўлгандир..."

Давоми олтинчи бетда.





ЭРК ИФЛИ

Эрк йули улуг йул Борампан дадил Сарин хузурбахш еллар елади

Рухмининг бепайн кенгликлариди

Эрк йули улуг йул Димогамга урнлар муяттар буйлар

Тилмидан тўқилар бол каби сузлар Кўзим дунёсида нурга чўмилган Ватан

Эрк йули улуг йул

О бу йул не улуг зотлар армони эди

Эрк йули улуг йул Намкуш совуқ шамолларга қора буронларга Қилчч нигоҳларга тутиб кўксимни аччиқ ёмғирларда борампан мардона

Эрк йули улуг йул Чакмоқ қадамимдан потраб чиқар нафармон гуллар буюк тоғлар яшил боғлар умидбахш тонгллар.

Турсун АЛИ

ИСТИҚЛОЛ МҲШОИРАСИ

АЛЁР

Ўзбек элим, энди бўлди бир тану жон, Ўз сўзи бор, ўзига бек, ўзига хон. Келажиги буюк эл бу, сурар даврон, Дунёларни тутсин алёр тўйим маним.

Ватан десам, кўз олдимга армон келар, Утмиш юкин орқалаган карвон келар. Боболарни отган ўша майдон келар, Уйлаганда, ўйлади уйим маним.

Юрт деганини ютди илон уялари, Элим деса эгди юртининг туралари. Эр отилса, кўмди йилғиб оналари, Тарихининг очсам бағрим тилим маним.

Духчи Эшон осилганда қайда эдинг? Усмон, Фитрат ҳайқирганда нима дединг? Отмишда Чулпон билан бирамидинг? Қалам тутсам қалтирайди кўлим маним.

Бир мағлуб, бири ғолиб давон ошиб, Қанча хонлар ўтди, бунда юрт таллашиб, Ўзи унган тупроғига ўт қаллашиб, Куйдиранда куйда ёлғиз элим маним.

Энди бу эл, бу ватанда армон бўлмас, Инсон зотин қадр бунда арзон бўлмас, Элим деган эл ичиди сарсон бўлмас, Ҳайқиради, ўзбек деган тилим маним.

Ҳақ йўлида ҳазонларим руҳи шоддир, Хоки обод, ётган жойи зиёратдир, Аждодларим дуосидан юрт ободдир, Бухорода ётар етти пирим маним.

Элим, сенга тош тегмайди, қалқонинг бор, Сарҳадига ёв йўлатмас ўғлонинг бор, Буғун дунё танийдиган Сарбонинг бор, Осмонларга етар энди бўйим маним.

МУНАВВАРА

ЎЗБЕГИМ

Замон келди яшашга, даврингни сур, Ўзбеким, Сазоворсан олақшга, қандингни ур, Ўзбеким!

Кўеш чиқди бахтингга, эришинг тож-тахтингга, Соф, мусаффо нурларга юзингни бур, Ўзбеким!

Бошда дўпнинг ярашар, олам аҳли қарашар, Бўлдинг ўн олти яшар, дадилроқ юр, Ўзбеким!

Кенг жаҳонга боқасан, машғалларни ёқасан, Дўстларга ардоқдасан, дилда гурур, Ўзбеким!

Ниятинг пок ва оқдур, йўлларинг сермаёқдур, Келажигинг порлоқдур, аҳдингда тур, Ўзбеким!

Дунё аҳли миннатдор, авлодларинг бахтиёр, Толоб, омад сенга ёр, қалбингда нур, Ўзбеким!

Чиқар ибн Синолар, Алишердек донолар, Илм-фанда авлолар фахр, гурур, Ўзбеким!

Соқом ва пок авлодлар, Алпомиш Фарҳодлар, Барчин ва Ширинлардек қизлари хур, Ўзбеким!

Кенг йул очди Истиқлол, имконларинг ишга сол, Кутар сени истиқбол, қонона кур, Ўзбеким!

Қоражон ҚОДИРОВ



ШУКРОНА

Бахтлигимиз, озодлик, хурлигимиз бор Олдинда истиқбол, нурлигимиз бор. Муствақил мамлакат фарзандларимиз Тенгларга тенглиг-у журлигимиз бор.

Халқимиз кўксига тегди-ю шамол, Яқин бўлди жануб, гарбу шарқ, шимол Юз тутдиқ дунёга, дунё ҳам бизга Буларнинг барига бовс — Истиқлол!

Аслида аталган бўлсак-да ўзбек, Кўп замон яшадик кўлда бўлмай эрк. Бир сарбон ол миниб чиқди майдонга Ҳар ўзбек бўлди ўз Ватанида бек.

Шукрона айтагимиз, ойдин йўлимиз Қаерга узатсак, етар кўлимиз Ҳеч кимдан каммасмиз бугун дунёда Ҳеч кимдан кам бўлмас қизу ўғлимиз.

Феъли кенг, бағри кенг ўзбаки халқимиз Кўёшни илк кутиб олгувчи — шарқимиз. Дастурхон очкидир кўнглимиз каби Меҳмонга пешкану дўстга илҳақимиз.

Ёзувчининг ижодий концепцияси кўпроқ нималарда акс этади. Унинг қахрамонлари табиатидами ёхуд адабнинг тасвир усулларида? «Сариқ матбуот» эълон қилаётган сохта асарлар ҳақиқий санъат асарларини баҳолаш мезонларига таъсир кўрсатмайтими? Бу саволлар адабиёт мухлислари билан бирга адабиётчилару адабларнинг ўзларини ҳам ўйлантириши табиий. Олий Адабиёт курси битирувчиси Эътибор Норбўтаевнинг таниқли адиб Назар Эшонқул билан суҳбати шу хусусда баҳс этади.



пайдо бўлганидан бери яратган миллионлаб нарсавоситалар ичида Қалбни ва Рухни кутқариши, давлолаш мумкин бўлган бирдан бир восита. Санъатсизлик — ваҳшийликдир, деган кимдир. Мен санъатдан бир қадам узоклашим — ёвузликка бир қадам яқинлашим де-

САНЪАТ ҚАЛБ ВА РУҲНИ КҮТҚАРАДИ

ган бўлардим. (Менин санъат ҳақидаги фикримнинг бугун ўзларини «санъат юдузлари» деб атаётганларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.) — Ҳозирча ўқувчиларга эълон қилинган тўртта кўксангиз маълум. Лекин шулардан учтаси («Уруш одамлари», «Қора китоб», «Тун панжаралари») адабий давраларда тез-тез тилга олинади. «Момоқўшиқ» эса дээрли эсланмаётгандек. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз? — «Момоқўшиқ» журналида эълон қилинмагани учун бўлса керак... Қолаверса, мен бу кўксани қайта ишлашга ўзимда куч тополмадим. 1989 йили биринчи бор қандай нашр этилган бўлса, шу ҳолича ётди ва ҳозир ҳам шу ҳолича ёндашмоқчи эдим. Нимадир, ўша даврдаги хиссийатларимни, халақит берди. Натигада шу кўксани чиқди. Кейин уни ташлаб қўйдим. Менига қизғин йўқдай эди. Жаббор уни эълон қилишга кўндирди. Қўксандаги Момо образи мени кўпроқ мафтун этганди. «Уруш одамлари»даги катта келин, бу кўксандаги Муаззам мен учун жуда яқин, биринини тўлдирадигандек. Кейинчалик бу асарда топилмаган нарқасида «Шамол»ни тутиб бўлмайди» ҳарқасида Байна момо образида топдим. Аслида, қўксавезаман деганимда мен учун иккаласи бир образ эди. Қўксани айнан «Шамол»ни тутиб бўлмайди»нинг муқаддимаси бўлиши керак эди.

Юзма-юзма

— Ноанъанавий йўналишда ёзилган асарларингизда ти- нимсиз равишда тун, қора, зулмат, то- бут, ўлик, хароба си- фатларига мурожа- ат этасиз. Бу билан ўқувчини руҳан то- лиқтириб ё асарин- гиздан беэдириб қўйишдан чўчимай- сизми? Умуман, синингизга ижодкор асар яратганда ўқувчини эъти- борга олиши керакми? — Анъанага қайси томондан қарашга боғлиқ. Агар қуруқ баён қилиб бериш анъанавий бўлса, тўғри, мен бундан қочибга уринаман. Аслида ўта анъанавий ёзмам. Ўзим шундай ўйлай- ман. Навоий, Бобур, Машраб ёки до- стонларимизга бир қаранг. Уларни син- чиқлаб ўргансангиз, мен оддий анъана- параст машқ қилувчи бўлиб қоламан. Уларнинг асарларида ҳам «тун», «қора- лик», «зулмат» ва ҳоказо сиз санган ран- гу образлар (эсингизда бўлса, «Тун пан- жаралари» Навоийнинг «Бошимга қурки,

ЧАРАҚЛАДИ ОСМОНИМИЗ

Тўқсон биринг мезониди шарқда чиқди кўеш порлаб, Тутқунликда яшаган эл-элаларни эркса чорлаб.

Ҳайдаб қора булутларни чарақлади осмонимиз, Ташна юртга соғинч билан қайтди дину имонимиз.

Кўкракларга шамол тегиб, кўтарилди чўккан қадалар, Тўфонлардан фориг бўлди юракда ин қурсан дардлар.

Ном кетган қадим юртга ўзимиз хон, ўзимиз бек, Тулпор каби юрт айланиб, қозғани топти ўзбек.

Табриқлади бизни машир, мағриб, жануб—дўстларимиз, Ёрдам қўли қўздилар ҳам дараклаб кам-қўстларимиз.

Тез орада қад ростлади кўлаб қўшма иншоотлар, «ЎЗДЭУ»дан чиқаётир тез чопагон «саман от»лар.



«Шарқ юлағи», 3/2007

Журналларини вақтларанда...

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида сеvimли журналимиз «Шарқ юдузи»нинг навбатдаги сони муштарийлар кўлига бориб етди. Журналнинг ушбу сони тўла- лигича Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган. Журнал Президентимиз Ислам Каримовнинг «Самарқанд деганда тасавури- мизда дунёнинг энг кўхна, қадимий тарихи ва шу тарихнинг бетак- рор, ҳар қандай ода- минг ҳам қалбини ўзига ром этиб, умрбод маф- тун қилиб қўйдиган буюк намояндалар сиймоси, мовий гумбазлар, муаз- зам миноралар ва ўлмас обидалар жонланади», деган сўзлари билан очилади. Самарқанд вилояти ҳокими вазифининг ба- жарувчи Аъзамхон Ба- жоровнинг «Жаҳон қадимидан турган муаззам шаҳар» сарлаҳали мақола- си истиклол йилларида Самарқанд- чиндан ҳам она-сайёрамиз, она-Ва- танимизнинг фахру ифтихорига ай- лангани, шаҳар ва вилоят микседа- га бунёдкорлик ишлари бугун ҳам давом этаётгани ҳақида ҳикоя қи- линади. Фаластиннинг Ўзбекистонда- ги Фавқуллода ва мухтор элчиси Асад ал-Асаднинг «Самарқандда дунё жилоси», Ўзбекистон халқ шои- ри Хуршид Давроннинг «Рўй за- мин сайқали», Ўзбекистон халқ шои- ри Сирожиқдин Саййиднинг «Мубо-

рак манзиллар», профессор Муҳам- мад Амедовнинг «Мангу меҳр қибла- си» сарлаҳали мақолалари, таниқ- ли адиб Асад Дилмуроднинг «Мезон буржи», Бойхўроз Абдусаломнинг «Қалтис ўйинлар» киссалари, Абду- вали Кутбиддиннинг «Истиқлолнинг буюк шаҳри» бадихаси, тарих фан- лари доктори Темур Шириновнинг «Са- марқанд ва жаҳон та- маддуни», Амридин Бердимуродовнинг «Буюк ипай йўли ва Самарқанд» тадқиқот- лари ва бошқа қатор қизикарли мақола- лар журналхонларда жиддий қизиқиб уй- готиши табиий. Журналнинг ушбу сониди Ўзбекистон Қахрамони Абдулла Орипов ҳамда Душан Файзий, Хосият Бо- бомуродова, Жамол Сирожиқдин, Нурулло Йўлдошев, Ориф Ҳожи, Зи- крилла Незмат, Отаёр, Машхура Ҳасо- нова, Исомидин Пулатов, Махбуба Саидова, Олқор Дамин ва бошқа бир қатор ёш шоирларнинг шеърлари, Ойхумор Асадова ва Қахрамон Суя- ровларнинг ҳикоялари ҳам эълон қилинган. Журнал ижодий жамоасини Са- марқанд тўйига ҳозирланган муносиб тўёна билан самимий муборакбод этасиз.

«ЎЗАС»чилар.



Бахтли болалик... Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган сурат.

ТАНҚИД, АДАБИЁТШУНОСЛИК

Туркий тилдаги сўз ва ибораларни тўплаш, уларни илмий асослаш анъанаси XI асрда яратилган "Девону луготит турк" асарининг бой тажрибасига...

изохлаш мақсад қилиб қўйилган. Шулардан ҳозирча нисбатан тўлроғи "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати" (4 жилдли) ҳисобланади...

тушунишга ёрдам беради. Шоир асарларини тўла нашр қилиниши унинг лугатини ҳам тўла ҳолда нашр қилинишига таъқиб қилади...

нурдан, одам балчиқдан яралди деб, сажда қилмай қибрга кетганлиги каби илоҳий маъноларга ишоради.

Салиб мажмарга тун уди қаморий, Ути хуришд бўлуб, анжум шарорий. Маълумки, Шарқда махсус мажмар (мижмар, мажмара) деб аталган манқалга...



Алишер Навоий ушбу муножотда вожиб ул-вужуд сўзини диний-таъсавуфий тушунчаларни теран ифода...

СЎЗ МАХЗАНИ

Алишер Навоий асарларидаги эътибордан четда қолган сўз ва иборалар талқини

лексикография (1983 — 1985) бўлимида тайёрланган, нашр этилади. Унинг нашр қилиниши ўз даврида тадқиқотчилар беради...

да шундай сўз ва иборалардан бир нечасининг таърифи таърифи таърифини келтирмоқчимиз: Чекмай малак лутфунг куни жуз зикр ила тасбиҳ уни "Одам дебон қаҳринг туни хар дам "заламно раббано".

Шоир ушбу байтнинг иккинчи мисрасида Куръони каримдан "Заламно раббано" ("заламно раббано анфусано") — эй раббим, биз ўзимизга зулм қилдик...

қўра, қадимда (Фарба) Самуд авлодидан Рас исми бир худопараст-подшоҳ бўлган. Лекин у умрининг охирида ўз тоғу тахтага мағрурлини, худолани даъво қилади...

униг ўз зотиға боғланган ва ҳеч кимга муҳтож эмас, "қатъий мавжуд зот", "Оллоҳ" деган маъноларни беради.

шоҳ мулозимлари ҳарам аёлларини бирма-бир тафтиш қила бошлайдилар. Насуҳ энг орқа қаторда бўлади. Мулозимлар ҳарам ҳаммомидаги ҳар бир аёлни текширганда Насуҳнинг жони гўё халқумига келади...

Бундан сал кам эллик йил муқаддам ўзбек адабиёти осмонига "ўзи кичкина, нимжон бўлса ҳам осмонни кўтрагулки кубвати, гайрати бор" "Синчалак" парвоз қилди. Бу истиснодда ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳорнинг шу номдаги машҳур кассиси эди.

раттан бўлса, ўқувчини ҳам қизиқтириб қўяди. У ҳам Саида сингари Қаландаров билан тезроқ уррашгиси, Носировнинг "кабинетидан ранги бўзариб" чикчан рансинг "мўртгина" кизчани қандай қарши олиши, нима хунарлар кўрсатиши ҳақида ўйлай бошлайди.

ли ва табиийли, уларнинг биронтасини на ўчириб, на алмаштириб, на сўз қўшиб бўлади. Саиданинг "Биров қўриб қолади" деганида ҳаё, "Ёмон бола" деганида эса севгининг бўйи келиб турибди. Одатда, қизлар йигитларнинг қилиғи ёқиб кетганда шу сўзни ишлатишда ва унинг замирида "Яши бола экансиз. Менга ҳам ёқиб қолдингиз", деган маъно яширинган бўлади.

М.Кўшхонов, профессорлар Ҳ.Ўқубов, Ҳ.Абдусаматов, У.Норматов ва бошқа ўнлаб олимлар ўз пайтида "Синчалак"ни қўлларга кўтариб мактағлардан бу табиий эди. Лекин кейинроқ асарда илгари сурилган гоъвий мазмунга муносабат ўзгарди.

Илмлар орасида адабиёт фанидек инсонга маънавий куч бағишлайдиган илм бўлмаса керак. Адабиёт илми ҳар бир кишида руҳий-психологик шуурнинг шаклланишида қатъи ёрдам беради. Бу илмининг ўқувчи руҳиятига сингдириш шу фан муаллимнинг касбий фаоллиги ва иттидорига боғлиқ.

авлоднинг тарбиялашда асосий ижтимоий-маънавий фан сифатида ўқитиладиган эътиборни қаратади. Муаллиф тарихимизда саҳуларини ўзларининг бебаҳо илмий мерослари билан бойитган Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синодек улуғ мутафаккирларимизнинг адабиёт ўқитишга доир қарашларини таҳлил қиларкан, ҳусусан, Абу Наср Форобийнинг "Билмларнинг келиб чиқиши" номли рисолида келтирилган "бадий асарни ифодали ўқиш, ўқинганини ҳиқоя қилиб бериш — зўр санъат", деган фикри ҳозир ҳам адабиёт дарсларида асосий мезон эканлигини ҳақли равишда эътибор этади.

"СИНЧАЛАК" ПАРВОЗИДАН КУТИЛГАН НИЯТ

да муносабатини "Дийдоринг курсин, чамадонни қўлимдан олсанг ўласанми?", деган қарғиш билан ифодалашдан бошлади. Эшон кўзига тўнж ва сўхта сўвиқ одам бўлиб қўринадди. Ўзига ақратилган хужрани кўриб "таъби тирриқ бўлди". Қаландаровнинг ҳовлиси ҳам кўзига тартибсиз ва ҳафсаласиз одамнинг қўли билан қурилгандай қўринадди... Хуллас, Саида колхозда эди, одамлардан, уларнинг турмушдан фақат нуқсон қидиради ва буни ҳали амал столига ўтирмай туриб Қаландаровга пиносанда қила бошлайди. Натжижда улар ўртасидаги зиддият борган сари кўчяйиб боради.

Абдулла Қаҳҳор Қаландаров тимсолида тасвофийдаги миллий характери яратиб бера олган. Унинг шоп мўйлови ҳам, юзи ҳам, манманасираши ҳам, жиззакчилиғи ҳам, одамларга муносабати ҳам, кўпчиликни сенсираб, жерқиб гапирини ҳам — барчаси ўзига ярашади, табиий. Раиснинг яна бир фазилати: ҳеч кимни бировнинг олдида уришмаслиғидир. Умининг айтишича, Арслонбек ака "Бировга қаттиқ гапирадиган бўлсалар, кабинетига олиб кириб гапирадилар". Чунки Қаландаров учун одамнинг чикити йўқ, ҳаммаси ҳурматга лойиқ. Шу хусусиятига кўра, мажлисдаги шартқилиқни, бетгачопарлик билан қилинган танқидларни дастлаб тўғри қабул қилолмайди. Айниқса, бу ишларнинг бошида турган Саиданинг бетгачопарлиғи, жуда кўп масалаларда ўз билганча иш тутуши Қаландаровнинг гафини келтиради. Аёл киши олдида бош эгишини эркак шайнига номуносиб деб билган раис Эшонинг кўтқуси билан Саида устидан ариза ёзиб, юқори ташкилотга бормоқчи бўлганида ҳам унинг қалбида-

ли манзараларни жуда кўп келтириш мумкин. Бироқ шуларнинг ўзи ҳам "Синчалак" кассисанинг XX аср 60-йилларида яратилган ўнлаб асарлар орасида ўзининг бадиий гўзаллиғи, замонавийлиғи билан бриллиантдек нур таратиб турганидан далолат беради. Маълумки, "Синчалак" учирма қилинган 60-йилларда унинг юксак парвозини таъминлаган омил Саида образи бўлганди. Ҳали ўзбек адабиётида бундай навқирон характер яратилмаган эди. Асарнинг асосий гоъвий юкни нимжонгина, аммо интилиши, гайрати, ақли, тadbиркорлиги, ишбилармонлиғи билан анча-мунча полволонлиги доғда қолдирадиган киз кўтариб турарди. Устоз Озод Шаарафидиновнинг ёзишича, "Ёзувчи Саида образида ҳозирги илғор ўзбек аёлларининг характерли, типик сифатларини умумлаштиради".

Нафақат А.Қаҳҳорнинг ҳар бир асари тўғрисида жон қуйдириб мақола ёзадиган Озод домла, балки академиклар И.Султон, Ийлош солижонов, филология фанлари номзоди Бир кун Олтиариққа борсам...

М.Кўшхонов, профессорлар Ҳ.Ўқубов, Ҳ.Абдусаматов, У.Норматов ва бошқа ўнлаб олимлар ўз пайтида "Синчалак"ни қўлларга кўтариб мактағлардан бу табиий эди. Лекин кейинроқ асарда илгари сурилган гоъвий мазмунга муносабат ўзгарди. Айримлар уни умуман ярқисиз асар, ёзувчи ҳаётийликка эдиқ обрлар яратган, деган фикрларни айтилди. Уни ҳиқоя қилишга яна О.Шарафидинов қалқон бўлди. Олим ўзининг "Чинорлардан бири" мақолисида "ЎЗАС", 1995 йил, 15 сентябр) шундай ёзади: "Яқинда "Синчалак"ни қайта ўқиб чикдим ва бир нарсага ҳайрон қолдим — Абдулла Қаҳҳор 1959 йилдаёқ "Бўстон" колхозга ва унинг атоқли раиси Арслонбек Қаландаров тимсолида тоталитар тузумнинг моделини яратган экан-ки! Энг муҳими — бу тузумнинг илдан чирганини, чўқур таназзул ҳолини кечираётганини кўрсатган экан. Бу таназзул иқтисодий характерга эмас, ижтимоий-психологик характерга эғалиғи ҳам очилган. Хар ҳолда "Синчалак"ни янги кўз билан ўқилса, унда колхоз тузумининг ички өмирилиши тасвирланганига ишонч ҳосил қилиш мумкин".

Устознинг бу фикрларида жон бор. Чиндан ҳам улкан сўз ва санъаткори А.Қаҳҳор асарларини ҳар гал "янги кўз билан" тоғла қилганганида ундан янги маъно, янги гап топиш мумкин. Хуллас, "Синчалак"нинг парвозидан кутилган ният шундаки, ёзувчи ва асарда ўзбек аёлининг ижтимоий ҳаётидаги роли ошиб борганлигини, бунга сабаб юкни нимжонгина, аммо интилиши, гайрати, ақли, тadbиркорлиги, ишбилармонлиғи билан анча-мунча полволонлиги доғда қолдирадиган киз кўтариб турарди. Устоз Озод Шаарафидиновнинг ёзишича, "Ёзувчи Саида образида ҳозирги илғор ўзбек аёлларининг характерли, типик сифатларини умумлаштиради".

Яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида филология фанлари доктори, профессор Боқижон Тухлиевнинг "Адабиёт ўқитиш методикаси" номли ўқув қўлланмаси босмадан чиқди. Рисолада адабиёт фанининг ўқитишда қўлланайдиган энг сўнги илғор методларнинг илмий-назарий муаммолари ечимлари ва уни таълим жараёнига таъдиқ қилиш йўллари юзасидан амалий тавсиялар берилган. Қўлланмада "Адабиёт ўқитиш методикаси фанининг бошқа фанлар билан алоқаси", "Адабиёт ўқитиш методикасининг тарихий тараққиёти", "Таълим босқичларида адабиёт курсининг мазмуни ва қурилиши", "Бадиий асарни таҳлил қилиш" каби ўн беш ортиқ адабиёт дарсларида ёриштирилиши зарур бўлган бирламчи мавзулар қамраб олинган.

Муаллиф: "Адабиёт ўқитиш методикаси, биринчи навбатда, адабиёт ўқитишнинг, яъни адабий таълимнинг мақсади ва мазмуни ҳақидаги фандир", дейди ва таълим жараёнида адабиёт фанининг ўзига хос ўрни ҳақидаги фикрини давом эттириб, "Таълим жараёнидаги барча фанларнинг асосий мақсади ва моҳияти ўқувчиларда... муайян соҳаларга оид билимларнинг асосларини шаклландириш, шуларнинг неғизидан уларнинг бой маънавий олами яратишдан иборатдир. Бу вақтинча амалга оширишда бадиий адабиёт билан тереқ келадиган бирорта соҳа йўқ, деб айта оламиз", деган фикри баён қилиш билан бу фанининг методологик йўналишини белгилайди.

Рисола мазмун-моҳиятига кўра "Адабиёт ўқитиш методикаси" фани талабларига тўлиқ жавоб беради, олий ўқув юртида талабалари учун "Адабиёт ўқитиш методикаси" фандан асосий қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Исҳоқ НОСИРОВ, филология фанлари номзоди, доцент

Бир кун Олтиариққа борсам...

Истиқлол — имконият

ҲАМЗА АКАНИНГ АРМОНИ

Ўзбекистон халқ артисти Ҳамза Умаров юксак ижро маҳорати, бетакорр овози билан ўзбек театри ва киноси тарихида ёрқин из қолдирган санъаткор. Бир баҳона сабаб шу буюк инсон билан ҳамсуҳбат бўлиш бахтига муассар бўлганман.

Янглишмасам, 70-йилларнинг аввали эди. Радиокомитетда ишлардим. Ойида бир келадиган навбатчилик кунлари ишхонада тунаб қолардим. Уша навбатчиликларнинг бири...

бирдай жон, касалманд укам бор. Уларни, оилани боқиб ушун кечаю кундуз югураман-еламан. Бир қарасангиз радиодаман, телевидендаман, ундан кейин кинода суратга туша...

Уша кунлари марказий газеталарда Брежневнинг «Қуриқ» хотиралар китоби эълон қилинган, хайбаракатли ёзувчиларнинг хашари билан дунёга келган бу «ноёб» асар...

«Қуриқ»ни халқ артисти Вячеслав Тихонов марказий телевидение орқали бобма-боб ўқиб бергани кечагидек ёдимда. Бу «ижод намунаси»ни худди билан барча қардош тилларга, жумладан ўзбек тилига ҳам ўгириб, радио орқали ўқиш...

Ҳамза ака нафас ростлаб олгач, ўқини давом эттириш учун студияга кириб кетди. Галдаги таънафусда чой баҳона яна ҳасратлашдик.

— Ақаси, замона зайли қизик экан, — деди Ҳамза ака бир пайт неғадир чуккур ўрсиниб.

— Ана, айтинг-чи, сиз чет элда бўлганмисиз?

— Бизга йўл бўлсин, ҳали шимиз...

— Мен ҳам бўлмаганман. Тасаввур қилинг-а: халқ артисти Ҳамза Умаров шу ёшга кириб, ҳали хорижга чиқмаган. Ёлгон бўлмасин: капиталистик мамлакатлардан бирининг киночилари фестивалга таклиф этишган.

— Оқорига суҳбатга чақиринди, — хикоясини давом эттирди Ҳамза ака. — Мен қабулга кирган кимса болам тундир йигит экан. Галстугини у ёқдан бу ёққа тортиб, қоқоқ уйгани уйган. Туриб-туриб бир пайт нима дейди денг: «Ҳамза Умаров, сиз пулни яхши кўрасизми?»

— Беш юзлар чамаси, — беписанд тўнғиллади суҳбатдошим.

— Ховли-жойингиз ҳам бордир.

— Бор.

— Машинангиз-чи?

— Бор.

— Мен ойда беш юз эмас, минг сўм ишлайман. Лекин сиз айтган нарсалар менда йўқ. Давлат уйда ишайман. Қўқонда мункилаб қолган онам, жужа...

М.РАҲМОНОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

31 август — Каттагон қурбонларининг ёд этиши кунин



дан чиқарган, деган айбни ҳам тиркайдилар. Гап шундаки, 1930 йилга келиб, овулолик мутахассислар миллий музыка асбобларининг садосини ошириш, аниқроғи, Оврупо музикаси талабига жавоб берадиган ахволга олиб келиш учун миллий музика асбобларини ўз таълиғига қараб реконструкция қилиш устида иш бошлайдилар. Бу иш 1932 йили...

ГЎЗАМЛИККА ОШИҚ ЗОБИТ

да ўтказилган сўроқда ўз таржimai ҳоли ва сиёсий қарашлари тўғрисидаги саволларга жавоб берадиган, Октябрь давлат тўнтарышига нисбатан бартафохлат д турганини айтиди. У Бухорога, терговчи айтигандек, миллиятчиларнинг яширин ташкилоти билан алоқа ўратгани эмас, балки Бухоро Маориф ноизири Абдурауф Фитратнинг таклифи билан...

оширимай қолган. Бу масалада Успенский ҳеч нарса қила олмас, шу боис унинг бу масалага дахли ҳам йўқ эди. Бироқ жазолаш ҳаракатига тушиб қолган НКВД ходимларига бир баҳона керак эди, холос. Успенскийнинг жазосини оролаштириш мақсадида кон-серватория ва музика техникуми-ни мудир А.И.Бочкарев, консерватория скрипка кафедраси мудир, Москва консерватория-син битириб келган скрипкачи мутахассис А.Е.Кнорре (рафика-си голландиялик), Туркманистон Ер ишлари комиссарлиги энтомо-моги, қариндоши В.А.Селихович — Бот, шу комиссарлик ин-женери И.И.Зотов билан таниш-лиги пеш қилинади. Бу пайтда Успенский илмий-тадқиқот инсти-тутидан эмас, музика техникумида миллий музика бўлимининг муди-ри бўлиб ишларди. Номилари зикр этилган шахслар билан қариндош, оғайни ва мутахассис сифатида мулоқотда бўлгани таби-ий ҳол. Шунга қарамай терговчи-лар уни айбдор қилиш учун уни азоблаб қуйидаги тузуриқсиз жумаларга кўл қўйдиришга му-ваффақ бўладилар: «Мен амалга оширган бузғунчилик ишининг яна бири «Фарҳод ва Ширин» опера-сидир. Операнинг ўзи бир йил мобайнида ёзиб бўлинди. Бундай мудатда бадий ва техник жиҳат-дан тақомилга етган асарни яра-тиб бўлмайди. Мен бу камчилик-ларга аҳамият бермаганим учун «Фарҳод ва Ширин» операси ба-дий ва техник жиҳатдан нуқсон-ли чикди. Езувнинг ўзида қатор камчиликлар бор — фольклор ма-териали нотўғри ёзилган, ҳаддан ташқари овулолаштиришга йўл қўйилган». Ушбу сохта жавобга кўл қўйдирган терговчилар В.А.Успенский «Фарҳод ва Ширин» опера-сининг муаллифларидан бири бўлгани учун марказий ҳукумат томонидан «Хурмат белгиси» ор-дени билан тақдирланганини хаёлларига ҳам келтирмайдилар.

НКВД ходимлари В.А.Успенскийга у тайёрлаган «1-босқун мактаблари ва пионер отрядлари

қандай аксиниқилобий ишларни амалга оширидингиз, деган саволига В.Успенский «1925 йилдан бошлаб 1930 йилгача ҳар йили туркман халқ қўшиқларини ёзиб олиш учун Туркманистонга борганман. Туркманистон Маориф комиссарлиги Муҳаммад Нафасалиевни менга таржимон сифатида бириктириб қўйган эди. Мен Марв, Тахтақўпри, Иолонтон, Челекен ороли, Бухур, Жибел, Тошбуз, Чоржўй, Кўҳна Урганч, Ашхабод ва бошқа туманларда бўлдим», дейди. Аммо НКВД терговчилари бу жойларни аксиниқилобий ташкилот вазифасини бажариш учун борган жойлар деб баҳолайдилар. Хатто дўсти В.М.Беляев инглиз журналларида бирида Успенскийнинг Урта Осиё халқлари музикаси ҳақидаги мақоласини ҳамда туркман созандасининг суратини эълон қилгани ҳам эътибордан қочирмайдилар. Успенский бу оддий ижодий жараёни эканлигини уқтиришда ва ҳеч қандай жосуслик иши эмаслигини тунтириб беради.

Айбловчилар В.А.Успенскийнинг бўйнига миллий чолғу асбобларини янгилаш ишини из-

Ўзбек музика санъатида сезиларли из қолдирган рус этнографи ва бастакори Виктор Александрович Успенский (1879 — Калуга, Россия — 1949 й. IX.10 Тошкент) аслида ҳарбий зобит эди. У кадет корпусида ўқиган, кейин Елизаветград суворийлар билим юртини битирган, олий маълумот олган штабс-ротмистр. Хасталикни баҳона қилиб, зобитликдан воз кечган Успенский 1913 йили Петербург консерваториясини тугатади. 1917 йил феврал тўнтарыши Петрограддаги Асосий почтамтда ҳарбий цензор, октябр тўнтарыши вақтида эса Петроград бош штабда шифрни очувчи вазифасини бажаради. 1918 йил март ойида ҳарбий хизматдан бўшатилиши биланоқ Тошкентга келиб, музика этнографияси соҳасида иш бошлайди.

Чор ҳукумати ўрнига келган шўролар янги ҳукумат даврида географ, шарқшунос, тарихчи ва ҳоказо бўлиб олган собиқ зобитлардан фойдаланиб турли таълим муассасалари, санъат ўқув юртлирини очдилар. Ана шундай мажбурият заминда «Халқ консерваторияси» (1918) пайдо бўлади. Виктор Успенский шу муассасага ўқитувчи этиб тайинланади. 1920 йили эса Маориф комиссарлигининг музика этнография секциясини бошқаради.

Миллий халқ таълимини юксакликка кўтариш учун интилган ўзбек зиёлилари Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, Махсидўзлик маҳалласидаги Ясунин фирмасининг биринчи қаватида «Халқ консерваторияси»ни очигна муваффақ бўладилар. Консерваторияга Шораҳим Шоумаров, Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Ризқи Ражабий, Абдусоат дўторчи, Шобарот танбуричи ва бошқа кўпгина донги чиққан тошкентлик музикачи ва ижрочилар билан бир-



га, овулолик мутахассислар, жумладан, Виктор Успенский ҳам жалб этилади. У 1919 — 1920 йиллар мобайнида мудир ва ўқитувчи сифатида консерваториясини бошқаради.

Миллий консерваторияда ишлаш ва маҳаллий ҳофизу созандалар билан яқиндан танишиши натижасида ўзбек, туркман халқ музикаси маданиятига қизиқиши ортади ва уни ўрганишга киришади. Бухорода тўнтарыш содир бўлгач, Абдурауф Фитрат маориф ноизири сифатида музика мактабини ташкил этади. Мактабга Ғайлом Зафарий раҳбар этиб тайинланади. Шу даврда мактабга ўз даврининг музика алломпалари бўлган Ота Жалол, Ота Ғиёс, Домла Халим Ибодов каби намояндалар тўпланадилар. Фитрат В.А.Успенскийни макур мактабга жалб этаркан, уни «Шашмаком»ни ёзиб олишга ундайди. Мактабда ишлаш жараёнида Ота Жалол ва Ота Ғиёсдан «Шашма-

ком»нинг ашула ва чолғу йўллари ёзиб олади. Фитрат билан ҳамкорлик натижаси сифатида 1935 йили «Ўзбек классик музикаси тарихи» китобини ёзиб нашр эттиради. Аммо ғаламис сиёсат ва ғаламис кишиларнинг таълиқи билан бу асар тезда сотувдан териб олинади. 1932 — 1934 йилларда Санъатшунослик институтидан музика кабинети мудирини лавозимида ишлар экан, Шораҳим Шоумаровдан Фарғона ва Тошкент мақом йўллари нотага қўчиради. 1925 — 1927 — 1929 йилларда Туркманистонга илмий экспедиция уюштириш асосида 350 дан зиёд туркман халқ қўшиқ-қуйларини ёзиб олиш ва нашр этиришга эришади.

Успенский турли экспедициялар мобайнида миллий куй ва қўшиқларни ёзиб олиш билан

ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ТАРОНА

Юлдузлар порлаб турган салобатли Регистон осмонида оқшом бағрини ёриб янги ой — ҳилолнинг илк шуъласи қуйилиб келаятган бир пайтда, қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида олтинчи бор ўтказилаётган кенг қўламадус музика байрами — «Шарқ тароналари» ҳар гал фестивал учун махсус ёзилган мадҳия билан бошланади. Жаҳоннинг турли бурчакларидан ташриф буюрган иктидорли санъаткорлар байрамнинг илк таронасини ҳар гал чуккур ҳаяжон ичида энтиқиб тинглайдилар. Қалбларга бу қадар яқин мадҳия муаллифи Ўзбекистон халқ шoirи Усмон Азим, музикасини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Дилором Омонуллаева басталаган.

Бор-йўғи ўзи қаторли сўз — «Шарқ тароналари» мадҳиясининг яралиш тарихига қизиқиб, Усмон Азимнинг суҳбатга тортидик.

— Дилором Омонуллаева билан биз аввалдан таниш эдик. Менинг бир қанча шеърларимга Дилоромхон куй басталаган. Шу ўринда айтиб ўтишим керак. Дилоромхоннинг бошқа композиторлардан катта фарқи бор. У шеърни ҳис қилади. Ёшиқ пайларини эди. Янги тўпلامي эндигина нашр этилган. Шу китобини ўқиб қолиб Дилоромхон мени излаб келди. Кейин тўпламдаги шеърлардан баъзиларига куй басталади. Лекин, менинг назаримда, улар қўшиқ бўлиши мумкин эмас шеърлар эди. Дилоромхоннинг маҳорати шундаки, у шеърлардан пинҳон ётган оҳанглари топа билди. Балки шунинг учундир, бу қўшиқлар ўз вақтида энг машҳур, хит бўлган эди.



га келиб: «Мен бугун кечқурун юртинга қайтиб кетялман, суратини чизмадинг-а», дея таъна қилибди. Шунда халиги рассом «Э-э, кел ўтир, ҳозирок чизиб қўяман», дебди. Ва айтиганидек, беш дақиқа ичида савдогарнинг портретини тайёр қилибди. Сурат ажнабийга жуда ёқибди ва келишилган катта микдордаги пулни бераётини му-саввирга: «Сен қанчалик омадлисан-а, беш дақиқа ичида осонгина шунча пул ишла-динг», деса, рассом: «Йўқ, портретни чи-зишга кетган вақт сен учун беш дақиқа-дир, лекин мен учун бутун умрим сарф-лангандек бўлди», деган экан.

Мен ҳам мадҳияни ёзишга ўн беш кун вақт кетади дедим, лекин ўша кун кечқу-рун шеър тайёр бўлди. Лекин мана ёзил-ган бир тун мен учун бутун умрга тенг бўлди.

— Фестивалда иштирок этган бўлсангиз, мадҳиянинг муаллифи сифатида дилнингиздан нималар кечди?

— Афсуски, «Шарқ тароналари»нинг илк йилида, ундан кейин ҳам ҳеч иштирок этолмаганман. Ҳар гал қандайдир муҳим иш билан банд бўлиб қоламан. Лекин фестивалнинг биринчи йили телевизор орқали томоша қилганман. Адашмасам, араб, инглиз, француз тилларида ҳам айтилган-ди. Зўр чиққан.

— Демак, мадҳия таржимасидан кўнглингиз тўлган?

— Бундай уйлаб қаралса, ўзи ўн мисра шеър. Лекин матнининг руҳидан, оҳангидан келиб чиқиб басталаган куй уни дилбар таронага айлантирди. Шу таронада менинг ҳам хиссам борлигини ўйласам, қалбим гурур-ифтихорга тўлади. Чунки бу мадҳия Ўзбекистоннинг рамзий таронаси сифати-да бутун дунё бўйлаб янграйди. Назаримда, ижодкор учун бу жуда катта бахт. Шу ўринда айтиб ўтишим керак, мадҳиянинг яралишида энг аввало Дилоромхоннинг хизматлари улкан ва беқиёс.

— Бу галги фестивалга эзликдан ошиқ давлатдан санъаткорлар келишяпти. Уларнинг барчаси бор соврини кўлга киришти ниятида. Ана шу санъаткорларга тилакларингиз.

— Албатта, фестивалда кимдир Гран-при-ни кўлга киритади, яна кимдир иккинчи ёки учинчи ўринни. Лекин энг муҳими, халқлар яқинлашади, маданиятлар бирли-ги юзга келади. Бундай олиб қараганда бу жуда катта тадбир. Дунё санъаткорла-рини бир жойга тўплашнинг ўзи бўлмай-ди. Тинчликсевар ўзбеки, Ўзбекистон деган номни бутун дунё танайди. Шу ўринда фестивал режиссери Баҳодир Йўлдошевдан тортиб тадбир хизматида юрган оддий шофёр йигитларгача раҳмат деб қоламан.

— Самимий суҳбатингиз учун ташак-кур.

Жамшид МАТЭКУБОВ, Флора ФАХРУТДИНОВА

САҲНАДА — НУРОНИЙЛАР

Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Республика «Нуроний» жағмармаси, Халқаро «Олтин мерос», Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва «Махалла» хайрия жағмармалари ҳамкорлигида мустақиллигимизнинг 16 йиллигига бағишланб «Фахрийлар куйлаганда» номли санъат байрами ўтказилди. Яқуний босқичда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилган дастлабки босқичларда му-

носиб деб топилган устоз санъаткорлар қатнашдилар. Саҳнада юракдан куйлаб, тингловчиларни сел қилган нуруний ижрочиларнинг қўшиқ санъатига чуккур эҳтироми, шинавандаларга нисбатан хурмати, матнларнинг юракка яқинлаши, музикаларнинг миллий оҳангларга йўрилганлиги даврага завқ-шавақ бағишлади. Айниқса, Коммуна Исмоилова, Фароғат Раҳматова, Хайрулла Лутфуллаев, Ҳадя Юсупова, Рай-хон Тўраева, Халимжон Жўраев, Икромжон Бўронов, Олимжон Орифжонов, Холисон Қодирова, Зокиржон Султонов каби халқ

эъзозидидаги устоз санъаткорларнинг чиқишлари анжуманга файз киритди. Мазкур концерт бугун қўшиқ санъатининг илк пиллаваларида турган ёшларга томо маънода сабоқ бўлди, десақ ҳам бўлмайдими. Зеро, устозлар ҳақиқий миллий ашулачилик санъатининг бор таровати билан моҳирона намоён этидилар. «Фахрийлар куйлаганда» санъат байрамининг тантанали очилиш маросимида Республика «Нуроний» жағмармаси раиси Эркин Бокимов ва Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Азамат Хайдаров қатнашди.

М.КАРИМОВА

